

**Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлган эканини, бас, Биз уларни очганимизни ва сувдан хар бир тирик нарсани килганимизни билмасларми? Иймон келтирмасларми? (Анбиё сураси, 30 оят)**

Ояти карима маъноси хусусида кадимги ва хозирги тафсирчиларимиз илмлари, маърифатлари ва тушунчаларига кўра, бир неча хил маънолар айтганлар.

Биринчиси, Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоху анхумолардан ривоят килинган бўлиб, унга биноан: осмон ёпик эди, Биз уни очдик ва ёмгир-кор ёғдирдик, окибатда ўша сув ила хамма тирик нарсалар пайдо бўлди, деган маъно чиқади.

Иккинчиси, бошка баъзи бир муфассирларнинг фикрлари бўлиб, унга кўра осмонлару ер йўк эди, уларни Биз яратдик, сўнгра сувдан тирик нарсаларни пайдо килдик, маъноси бўлади.

Учинчиси, Ибн Аббос, Икрима, Хасан, Катода розияллоху анхумлардан ривоят килинган бўлиб, унга биноан: осмонлару ер бир-бирига битишган бир нарса эди, уларнинг орасини Биз очдик, сўнгра сувдан тирик нарсаларни пайдо килдик, маъноси бор.

Тўртинчи хили хозирги замондаги баъзи тафсирчиларнинг фикрлари бўлиб, учинчи маънога якин келади. Унга биноан: осмону ер, юлдузлару куёш хамма-хаммаси бир бутун эди, сўнгра Аллохнинг иродаси ила кўп айланиш ва ички портлашлар окибатиди парчаланиб, алохида-алохида бўлиб кетди: куёш алохида, ер алохида, ой алохида, юлдузлар алохида ва бошка нарсалар хам алохида бўлди; сувдан эса, барча тирик нарсалар, инсон, хайвон ва набототлар пайдо килинди.

Буларнинг хаммаси фикр ва назариялардир. Хаммаси хам ояти кариманинг маъносини тушунишга уринишдир. Оятнинг хакикий маъносини Аллохнинг Ўзи билади. Биз эса оятнинг маъносини онгимиз етганича тушунишга харакат киламиз, холос. Куръон хакикий илохий китоб эканлигидан хамда замонлар оша инсоннинг ўзгарувчи илмидан доимо устун туришидан кувонамиз. Иймонимиз янада мустахам бўлади. Илмий кашфиётлар, хусусан, назарияга боглик илмлар бугун бирни айтса, эртага бошкани айтади. Аммо Куръон магрур ва собит туради. Илмий назариялар ўзгарувчан, Куръон ўзгармасдир. Шу билан бирга, Куръон илмий назариялар тўплами хам эмас. Балки баъзан илмга оид маълумотларга хам мурожаат килса, уларни иймонга даъват йўлида ишлатади. Ана шунда хакикий илм эгалари хидоят топадилар. Шу ўринда хозирги кун илмининг фалакиёт назарияси Куръони Карим бундан ўн тўрт аср илгари бир оятнинг ярмида айтиб ўтган маълумотни такрорланаётганини хам эслатмоқчимиз. Факат илмий далилга ишонамиз, дейдиганлар, Куръоннинг илохий китоб эканига энди тан беришлари керак. Акс холда, даъволари нохак бўлиб чиқади.

Ушбу ояти кариманинг иккинчи кисмидаги:

«...ва сувдан хар бир тирик нарсани килганимизни» деган маънони Куръондан бир минг тўрт юз йил кейин такрорлаган айрим одамлар улугланмоқда. Кишилар уларга тахсинлар ўқимокда. Номлари кўкларга кўтарилмоқда. Аммо нега бу хакикатни минг тўрт юз йил илгари таъкидлаган китобнинг илохийлигини тан олмайдилар? Агар одамлар хакикатдан илм эгалари бўлсалар, илмий далилга ишонсалар, шу хакикатни бундан минг тўрт юз йил илгари айтган Куръонга:

«Иймон келтирмасларми?»

